



НАВОИЙ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ



ТВЕРЬ
ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ



Navoi city, may 27, 2020

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ


Халқаро илмий онлайн конференция
2020 йил 27 май, Навоий

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Международная научная онлайн конференция
27 мая 2020 года, Навои

ACTUAL PROBLEMS OF INNOVATIONAL COOPERATION IN IMPROVEMENT OF QUALITY OF THE HIGHER EDUCATION

International scientific online conference
May 27, 2020 year, Navoi



НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ТВЕРЬ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
ИНОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Халқаро илмий онлайн конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2-китоб

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО СОТРУДНИЧЕСТВА
В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

МАТЕРИАЛЫ

Международной научной онлайн конференции

2-книга

ACTUAL PROBLEMS OF INNOVATIONAL COOPERATION IN
IMPROVEMENT OF QUALITY OF THE HIGHER EDUCATION

MATERIALS

of the international scientific online conference

Book 2

PERSONIFICATIONS OF DEATH METAPHORS IN ENGLISH AND CHINESE LITERARY TEXTS

Li Didi, Tashkent State University of the Uzbek language and literature..... 98

ИНФОРМАЦИОННЫЕ РЕСУРСЫ ПРОДВИЖЕНИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ КАК УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА

Равшанов Ш.А., Маликов Б.Б.
Института математики и естественных наук СКФУ (Россия) 100

УЧТУТ САПОНИТ МИНЕРАЛИНИНГ ТАРКИБИ ВА ИШЛАТИЛИШИ СОХАЛАРИ

Умиров Ф.Э., проф. Музафаров А.М., доц.
Умиров У.Ф., Пирназаров Ф.Г. НавДКИ, Узбекистан..... 102

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЎРНИ

Ахмедова Ш.Н., проф. БухДУ, Ўзбекистон
Салимов Г.М., доц., БухДУ, Ўзбекистон..... 104

OLIY TA'LIMDA TALABALARNING KASBIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISH- ZAMON TALABI SIFATIDA

Mamarajabova Z.N., f.f.n., professor, Nizomiy nomidagi TDPU, O'zbekiston..... 106

ТАЪЛИМ ВА КАДРЛАР САЛОХИЯТИ - РАҚАМЛИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Муродова Н.К., и. ф. д. проф., НавДПИ, Ўзбекистон
Абдурахимова С.Х., 2-курс магистри, НавДПИ, Ўзбекистон..... 108

ЗАРАФШОН МИНТАКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИОН ОЎЗГАРИШНИНГ ТАЪСИРИ

Муродова Н., и. ф. д., проф., Халипова М. О. НавДПИ, Ўзбекистон..... 110

IQTISODIY TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA MILLIY QADRIYATLARNING AHAMIYATI

Dots. Zoyirov Z. X., NavDPI O'zbekiston..... 113

UODKOR O'QITUVCHINING INNOVATSION G'OYALARINI SHAKLLANTIRISH

Ibodullayeva O. N., p.f.n., Meyliyeva N.,
NavDPI O'zbekiston..... 115

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАУЧНО-ИННОВАЦИОННОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ФИЗИЧЕСКИХ НАУК

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЎРНИ

Ахмедова П.Н., проф. БухДУ, Ўзбекистон
Салимов Г.М., доц., БухДУ, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада олий таълим сифатини оширишда масофавий таълим ва унинг филологик таълимга таъсири ва ўрни ҳақида фикр юритилади.

Annotation. The article studies distance learning, its impact and place on the philological direction.

Истиқлол яшаш тарзини ва руҳиятимизда катта ўзгаришларга олиб келди. Бугунги кунда ҳаётимиз ҳам, яшаш тарзини ҳам бутунлай ўзгача ҳолатга, ўзгача моҳият касб этмоқда. Жаҳон ҳамжамиятидаги меҳр-шафқат, бағрикенглик, одамийликнинг кучайиши инсон маънавиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқдир. Янги асрда - 2020 йилга келиб, пандемия шароитида инсоният ўз-ўзини асраш ҳолатини янги соломликка олиб келмоқда. Мана шу жараёнларда энг муҳим масалалардан бири Инсон, унинг манфаати, руҳий интеллектунинг соғломлиги, маънавий тарбиясига эътибор қаратиш бўлмоқда. Жумладан, глобаллашув даврида таълим жараёнига анъанавий тушунчалар қаторига янги-янги воситалар кириб келмоқдаки, ўқитиш ва таълим жараёни учун булар янгилик эмас. Ушбу иборалар ёнидан жой олган масофавий ўқитиш, масофавий таълим ибораларининг кириб келиши таълим тизими такомиллашувини, яъни техника асрининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи кучга айланимоқда. Демак, ўқитишнинг замонавий усуллари, янги таълим, масофавий ўқитиш, масофавий таълим тушунчалари ҳаётимизнинг мазмунига айланиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам таълим-тарбия жараёнларида масофавий таълим тизимини қўллаш бутун замон талабига айланди. Юртимизда бутун дунёга, инсониятга хавф солиниб турган бир пайтда таълим тизимида, жумладан, олий таълимда ҳам амалга оширилатган масофавий ўқитишдан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масофавий таълим - нафақат тингловчиларга масофадан туриб таълим беришни, балки уларнинг мустақил тафаккур юритиши, олган билимларини масофадан туриб назорат қилишни ҳам англатади. Масофадан ўқитишнинг афзаллиги шундаки, ўқувчи ўзига қулай вақтда ва ҳаттоки, нисдан ажратмаган ҳолда ўқиш ҳам мумкин. Масофавий ўқитишда ўқиш муддати талабанинг ўзига боғлиқ, яъни талаба ёки талабасини оширувчи педагог ихтиёрий пайтда ўқиш бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштирилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда барча таълим

- 104 -

Олий таълим сифатини такомиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари

Йўналишларида профессор-ўқитувчилар масофадан туриб таълим беришга ўтишди. Moodle платформасига контентларни юклаш, маълумотларни янгилаш билан боғлиқ фаоллик кучайди. Онлайн суҳбатлар, вебинарлар, ZOOM дастури орқали анжуманлар ўтказишда инновацион ҳамкорликнинг янги усуллари, таълимчиларнинг тадбир этиши даврининг ўзи тақозо қилмоқда. Иккидан иккинчи томонга келганда, мана бу таълимнинг таълимчиларнинг ҳаётини

Олий таълим сифатини такомиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари

этножда. Шу борада масофадан ўқитиш, видеодарслар, аудиокитобларни тақдим этиш, масофадан туриб онлайн мулоқотлар ўтказиш таълимда айти кўл келадиган йўналиш сифатида кўзга ташланмоқда. Бунда талаба компьютер орқали у ўзига керакли маълумотни осонгина топиб ўрганиши мумкин. Бу борада таъкидлаб ўтиш лозимки, Интернетда ишлаш масаласи етарли бўлиши даркор. Шу билан биргаликда, янги ахборот технологияларни ўқув жараёнига кенг татбиқ қилиш, талабаларга виртуал стендлардан, видео конференциялардан, мультимедияли электрон дарсликлардан фойдаланишларига тўла шароит яратиш, маълумот алмашишнинг тезлигини оширишни асосий мақсад қилиб қўйиш зарурлиги кўринади. Глобллашув даврида масофадан ўқитиш соҳасидаги илғор технологияларни кенгроқ ва чуқурроқ ўзлаштириш, уларни фанларга мос ҳолда татбиқ этишнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Масофадан ўқитиш бугунги кунда - дунёни ларзага солаётган коронавирусга қарши кураш жараёнида маълум бир юксалиш босқичига кўтарилимоқда. Бунинг албатта, объектив сабаблари мавжуд. Таълим тизимини ташкил этиш ҳар бир даврда турлича бўлиши ижтимоий тизим, мафкуравий қарашларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Ижтимоий — иқтисодий, илмий — техникавий ривожланиш давомда таълим тизими мақсадига эришиш жараёнига нисбатан турлича педагогик ёндашувлар мавжуд бўлган.

Демак, таълим жараёнини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатдан такомиллашиб бориши билан масофадан ўқитиш замонавий тус ола бошлади. Чунки таълим тизимининг бош мақсади ҳам етук, юксак малакали, маънавиятли, маърифатли, мустақил фикр юрита олувчи рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Кичик бир зарра, аммо кучли зарра бизга кўзгу бўлди. У жамият онгли мавжудот бўлган инсониятни ҳаракатга келтирди, ўзига, ўзлигига қарашга хатоларни тан олишга ундади, табиат олдидати, инсоният, жамият олдидати бурчларни эслатиб қўйди. Ўзини асраш ва шу катори бошқаларни ҳам асраш энг катта қаҳрамонликдир бутун. Айти шу кунларда вазиятни ҳисобга олиб, вақтимизни бефойда нарсаларга сарфламай, жамиятга фойдали Инсон бўлиб етишиш учун куралиш лозимлиги кўринмоқда. Машҳур қорақалпоқ адиби Т.Қашқабегеновнинг “Қорақалпоқнома” роман-эссесиди шундай фикрлар бор: “Одамзот учун иккита қуёш бор- биринчиси табиий офтоб, иккинчиси рухий офтоб, яъни китоб. Қуёшсиз тириклик йўқ! Китобсиз тириклар калбни тагин зулмат эгаллаб олиши ҳеч гап эмас” [3, 180]. Китобга суяниш, китобдан ўрганиш, рухий офтобдан унумли фойдаланиш, ҳаёт қуёшини порлатиш, эътиқодни бутун қилиш, яшаш мустақил тафаккур меваси ҳисобланади. Чунки масофавий таълим бўлажак замонавий мутахассис кадрларга, бўлажак ўқитувчиларга келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, таълиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чуқур ҳис этишга ундайди. Бу эса ундан озод ва обод юртга, мустақиллик тафаккуринга ва замонавий дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади.

OLIV TA'LIMDA TALABALARNING KASBIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISH- ZAMON TALABI SIFATIDA

Maimarajabova Z.N., f.f.n., professor, Nizomiy nomidagi TDPU, O'zbekiston